

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Хужайли тумани

2022 йил “18” Январь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30.12 даги № 27-01-14/6014 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи “Ўзбектелеком” АК КР филиали директори К.Таженов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан в ЧУПИШ ЧУПИШ КАМПАНИЯСИ номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандик тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйдагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ тапишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептиши) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномали имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан холда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганида Оператор хизматларидан фойдаланиши жараённида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни хисобга олган холда)

1270 000 (чи ишмои еки яш тақсан шону) сўм ни ташкил этади.

Ушбу сумма 1090 000 (биф ишмои тоқсан шону) сўм микдоридаги Абонент тўлови

микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичада ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб-ракамига пул маблагларини ўтказиш бўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми билан тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб-ракамида хизматлар кўрсатиш учун етади маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан улаинган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдалапилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиши, шунингдек хисобот даври (календаръ ойи) учун исталмаган тўловларининг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равиша блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўришишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, шартномага мувофик хар оир хизмас түрүнде расмийлаштирилдиган хисоб-фактура билан сипатади. Хар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг түлик календарь ойи учун умумий микдор күрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (үн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўзътироzlарини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килилган ва хизматлар тегиши тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг ўзътироzlари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойига тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегиши тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6,15-кичик бандида белтилантган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракаминиң баланси салони бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафодат хоти асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармагалиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибида ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбетан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал килиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартноманинг бажариш билан бўғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик хамда низоларни судгача ҳал этиши тартибига риоя килинган холса узаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўргасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни Узаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик Гашхент тумшнлараро иктисадий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равища Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишли тартибида соловчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир ётмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, узаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар қандай холитларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидазарига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/ўзътироzнома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпиги билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 кундан 30 (уттиз) кундан ортик муддат таълаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равища хабардор килинади.

7. Якуний қонсалар

7.1. Ушбу Шартноманинг бирча муҳим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килиади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўргасида имзолаиган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килиади. Агар Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлғиши Абонентга таъбик этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири упинг бекор килинишини ўзлон кильмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлған Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатти олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килиади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептни (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганини хакидаги жавобини) билдиради.


7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг рәсмий веб-сайтида ёълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўргасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларниг таъсис хужжатлари (мулкорлари) ўзгартган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклиниг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдикланган бўлса, хакикий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АҚ Кораколпоғистон Республикасы филиали Манзил: г.Ходжейли ул.Дослык №27а Банк маълумотлари: х/р: 20210000904074838359 СТИР: 203366731 МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” ОКЭД: 52300 Тел: (61) 554-13-44 (61) 554-14-44; факс E-mail:  Оператор инициалы:  И.Исмайлова М.П. </p>	<p>АБОНЕНТ: <i>Ходжейли ҳамисеев</i> Манзил: <i>улица Мустакимова 14</i> Банк маълумотлари: х/р: <i>234020230010001010</i> СТИР: <i>201122919</i> МФО: <i>00014</i> Банк шифри: <i>Шарқий баён банк</i> Тел: <i>6055 41030</i> E-mail: <i>бухгалтерия@sharqibayon.uz</i> Абонент инициалы: <i>Ш.И.Есмайлов</i> Ф.И.Ш. М.П. </p>
--	--

Приложение №2

Договор № 14_18743/1940 от 18/01/2022г

Предоставляемые услуги

I. Перечень услуг и тарифы на них

Единица измерения Национальная валюта – Сумма

№	наименование услуг	цена (стоимость) включая НДС	Обоснование	код-во точек	сумма , включая с НДС, сум
1	2	3	4	5	6
I. Единовременные (разовые) платежи					
1.1	Регистрация и подключение выделенных (постоянных) соединений, начальная проектирование, монтаж, программирование, приемку и эксплуатацию при соединении на Ethernet порту, либо оборудование ADSL-модем IP-адресс		Прейскурант		
II. Ежемесячные платежи					
Доступ к Национальной сети передачи данных (Интернет) со скоростью соединения по тарифному плану					
1. аа61-5541030	Bussines Unlim-7 7 мб/с	340 000	3		1170 000
2. аа61-5541272	U2B-4	40 мб/с	3		1500 000
3. V00003693060	xDSL	1 мб/с	3		300 000
4. V000036933060	xDSL	1 мб/с	3		300 000
1). Тото					
2). Тото					
3). Тото					
4). Тото					
2.1	Абон.плата за подключение со скоростью _____ Кб/сек включающая _____ Mb трафика		Прейскурант		
2.2	Цена 1 Mb сверхлимита сум		Прейскурант		
Всего (предоплата)		1090 000			3270 000

Всего предоплата:
в том числе НДССумма Договора составляет с учетом НДС
3270 000 (чи именем еки шайт чөниселде сүм)
Ежемесячная абонентская плата составляет с учетом НДС

Разовые платежи за подключение

В случае превышения суммы договора размер суммы превышения будет определен ежемесячно.

Оператор

АК "Узбектелеком" филиал в Республике
Киргизия, г. Ходжеликского РУТ

Начальник

И.Насиров

"Абонент"

Кочумбеков Алишер
хокимияти Ч.Эрланов

Руководитель

